

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАВРУЗ-ЗОДА ЛАЙЛИ БАХТИЁРОВА**

**ИНСОН ТАДБИРКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ  
БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Навруз-зода Лайли Бахтиёровна**

Инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизмини  
такомиллаштириш.....3

**Навруз-зода Лайли Бахтиёровна**

Совершенствование механизма оценки предпринимательской  
способности человека.....29

**Navruz-zoda Layli Bakhtiyorovna**

Improvement of the mechanism for assessing the human  
entrepreneurial ability.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....59

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАВРУЗ-ЗОДА ЛАЙЛИ БАХТИЁРОВА**

**ИНСОН ТАДБИРКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ**  
**БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Iqt2348 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муродова Нодира Қуллиевна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рузметов Бахтияр**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Тошалиева Саодат Тахировна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.С.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Т.Ж.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, (PhD)

**Т.Д.Досчанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳолини иқтисодий салоҳияти ва фаровонлигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) алоҳида ўрин тутди. “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД)га асосан Япония ва Хитой иқтисодиётида КБХТнинг ЯИМдаги улуши 60 фоиз, Францияда - 56 фоиз, АҚШ ва Буюк Британияда - 51 фоизни ташкил этади”<sup>1</sup>. Пандемиядан кейинги даврда иқтисодиёт билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун хорижда синалган замонавий усуллар асосида КБХТ субъектлари фаолияти сифатини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон КБХТ субъекларини сифат жиҳатидан юксалтиришда уларнинг иқтисодий салоҳияти, инновацион фаолияти, инвестицион жозибадорлиги, рақамлаштириш механизми, рақобатбардошлиги, самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада кичик бизнес субъектлари иштирокида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг институционал асосларини яратиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ташкил этиш ва бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш каби йўналишлардаги фаолиятларига алоҳида диққат қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармонида “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкени камайтириш, бизнес муҳити ва зарур инфратузилма яратиш асосида миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш”<sup>2</sup>, зарурлиги белгиланди. Ушбу муҳим вазифани амалга ошириш учун КБХТ субъектларининг фаолиятида “тадбиркорлик маҳорати” (business excellence, ВЕМ) сифат аниқловчиси ва “муҳим маҳорат индикаторлари” (KPI) миқдорий мультипликаторини баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш ва уларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб бериш жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”, 2021 йил 24 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан

<sup>1</sup>Манба: <https://www.un.org/ru/observances/micro-small-medium-businesses-day>, <https://www.oecd.org>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3777-сон “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”, 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий ва мамлакатимиздаги иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни жадвал ривожлантириш, КБХТ субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган. Жумладан, тадбиркор шахсларнинг тадбиркорлик қобилияти илк маротаба Ричард Кантильон, Адам Смит, Жан-Батист Сэй, Френсис Уокер, В.Зомбарт, Йозеф Шумпетер, Джон Кейнс, Дэвид Макклелланд, Питер Друкер каби классик иқтисодчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>3</sup>. Шунингдек, чет эл олимларининг тадбиркорлик қобилиятини тавсифловчи кўникмаларни таснифлашга бағишланган тадқиқотлари маълум<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Cantillon R. ([1755] 2010), *Essai sur la Nature du Commerce en Gйnйral (An Essay on Economic Theory)*, English translation by the Ludwig von Mises Institute, published under the Creative Commons Attribution License 3.0, [www.mises.org](http://www.mises.org); Адам Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Эксмо.2020. 475 с.; Сэй Ж.-Б. Трактат политической экономии / Ж.-Б. Сэй. – М., 1986. 480 с.; Болор Банзрагч. Понятие и содержание предпринимательства // Проблемы науки. 2017. №7 (20). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-soderzhanie-predprinimatelstva>; Зомбарт, В. Буржуа. Этюды по истории духовного развития современного экономического человека. М.: Наука, 1994.443 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития: Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры / Й. Шумпетер; пер. с нем. – М., 1982. С. 169-170.; Болор Банзрагч. Понятие и содержание предпринимательства // Проблемы науки. 2017. №7 (20). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-soderzhanie-predprinimatelstva>; Морозова В. С. Понятие и структура предпринимательской компетентности менеджера. Ярославский педагогический вестник – 2012 – № 2 – Том II (Психолого-педагогические науки).199-204; Питер Друкер: Бизнес и инновации.Пер. с англ.Вильямс.2009. 432 с.

<sup>4</sup> Hall, В. Р. (1994). *Values Shift: A Guide to Personal & Organizational Transformation*. California: Twin Lights Publishing.288 p.; Rodrigo Alda-Varas, Lourdes Villardón-Gallego,Itziar Elexpuru-Albizuri.Proposal and Validation of an Entrepreneur Competency Profile: Implication for Education. Electronic Journal of Research in Educational Psychology, 10(3), pp: 1057-1080. ISSN: 1696-2095. 2012, no. 28; Фотекова Т. А., Митрухина С. В., Власова Е. Н.

МДХ мамлакатлари олимлари Т.Матвеева, С.В.Теребова, П.С.Плешаков, Е.А.Чекмарева, О.Р.Верховская, М.В.Дорохина, Е.К.Климова, Т.А.Фотекова, С.В.Митрухина, Е.Н.Власова тадқиқотларида бизнес субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг услубий ёндашувлари устида иш олиб борилган<sup>5</sup>. Ўзбекистонда КБХТни ривожлантиришнинг илмий ва услубий муаммолари С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, М.Абдурахмонова, Қ.Муфтайдинов, Ҳ.Абулқосимов, А.Қулматов, Б.Беркинов, М.Абдурахмонова, Ф.Маматов, Н.Муродова, У.Ғафуров, М.Эшов, Б.Юсупов, М.Машарипова, А.Досчанов<sup>6</sup> каби иқтисодчи олимлар ишларида кенг ёритилган.

Бироқ иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида тадбиркорликнинг сифат ўлчови бўлган тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизми масалалари алоҳида, монографик планда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

---

И др. Исследование профессиональных склонностей к предпринимательской деятельности у молодежи Республики Хакасия. Журнал Психология. Серия: Познание №11 ноябрь 2020 г. 107-113 с.; Vasigalupo, M., Kamylyis, P., Punie, Y., Van den Brande, G. (2016). EntreComp: The Entrepreneur-ship Competence Framework. Luxembourg: Publication Office of the European Union; EUR 27939 EN; 39 p doi:10.2791/593884. <https://ec.europa.eu/jrc/entrecomp>; Benedicta Prihatin Dwi Riyanti, Christine Winstinindah Sandroto, M. Tri Warmiyati D.W / Soft Skill Competencies, Hard Skill Competencies, and Intention to Become Entrepreneur of Vocational Graduates. International Research journal of Buseness Stusies. 2016, Vol 9, no 2. / pp. 119 – 132; Digital skills: что это и почему это важные навыки будущего. <https://inskills.space/digital-skills-что-это-и-почему-это-важные-навыки-будущего>.

<sup>5</sup>Тест "Предпринимательские способности" Т. Матвеевой. Текст. <https://www.hse.ru/mirror/pubs/share/205924843>; Теребова С.В., Плешаков П. С. Предпринимательские способности населения: понятие и измерение // Russian Journal of Education and Psychology. 2012. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/predprinimatelskie-sposobnosti-naseleniya-ponyatie-i-izmerenie>; Чекмарева Е.А. Оценка предпринимательской способности населения. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. № 2 (6) 2009. 89 с.; Верховская О.Р., Дорохина М.В. Глобальный мониторинг предпринимательства. Отчет.СПб.Россия.2008.46 с.; Климова Е.К. Профессиональная деятельность предпринимателя. Психология успеха. – СПб.: Издательско-Торговый Дом «Скифия», 2014. – 208с.- С. 186-199; Фотекова Т. А., Митрухина С. В., Власова Е. Н. и др. Исследование профессиональных склонностей к предпринимательской деятельности у молодежи Республики Хакасия. Журнал Психология. Серия: Познание №11 ноябрь 2020 г. 107-113 с.

<sup>6</sup> Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т., 2008. – 365 б.; Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. – 349 б.; Муфтайдинов Қ. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари: Иқт.ф.д....дисс. автореф. –Т.: ЎзМУ, 2000. – 37 б.; Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш: Иқт.ф.н.... дисс.автореф. – Т.: ЎзМУ, 2004.– 22 б.; Абдурахмонова М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш: Иқт.ф.н. ил....дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2011. –28 б.; Маматов Ф. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини синергетик ёндашув асосида такомиллаштириш: Иқт.ф.н. ... дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2012. –25 б.; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: Иқт.фан..док.диссер. – Т. 2017.; Эшов М.П.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омилар, нагизлар ва истиқболлар. Монография. –Т.: Маънавият, 2017. – 80 б.; Юсупов Б.А. Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш: Иқт.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. – Т., 2020.; Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: Иқт.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. – Т., 2020.; Досчанов А.Т.Инновация шароитида тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш (Хоразм вилояти мисолида): Иқт.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. – Урганч, 2021.;

**Тадқиқотнинг мақсади** инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

“тадбиркорлик қобилияти” ва “тадбиркорлик” тушунчалари моҳияти ва боғлиқлигини ёритиб, уларнинг ишлатиладиган ва истеъмол қиладиган томонларини тавсифлаш;

тадбиркорликнинг сифат ўлчови сифатидаги “тадбиркорлик қобилияти”нинг шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш;

инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишнинг анъанавий ва замонавий шакллари солиштириш;

инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш мақсадида унинг сифат хусусиятларини очиб бериш;

тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш бўйича хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг услубий ёндашувларини ўрганиш;

тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг “бизнес экселенс (маҳорати)” илғор хориж механизмини ўрганиш;

тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес маҳорати моделини тузиш;

бизнес субъектлари “тадбиркорлик қобилиятини ривожланганлик даражаси мультипликатори”нинг ҳисоб-китоб усулиётини асослаш;

тадбиркорлик маҳоратининг муҳим индикаторлари (KPI)ни ишлаб чиқиш;

Бухоро вилоятида маҳоратли бизнес субъектларининг салмоғини ошириш ҳисобига тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўладиган Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Бухоро вилоятида ишбилармон инсонларнинг тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил, комплекс ёндашув, эксперт баҳолаш, сўров, статистик кузатиш, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш мақсадида тадбиркор шахснинг сифат хусусиятларига кўра “уч даражали - қаттиқ (hard skills); юмшоқ (soft skills) ва рақамли (digital skills) тадбиркорлик кўникмалари” таснифи такомиллаштирилган;

инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизми “тадбиркорлик маҳорати” (business excellence, BEM) кўникмаларини “муҳим маҳорат индикаторлари”ни (KPI) миқдорий мультипликаторини киритиш орқали такомиллаштирилган;

тадбиркорлик қобилиятини реал эришилган ривожланганлигини баҳолашга ёндашувни оралиқ мультипликаторини (0,0-0,50) паст даражага эга “маҳоратсиз



тадбиркор”, (0,51-0,79) ўрта даражага эга “салоҳиятли тадбиркор”, (0,80-1,0) юқори даражага эга “маҳоратли тадбиркор” тоифалар бўйича табақалаштириш орқали баҳолаш ёндошуви таклиф этилган;

Бухоро вилоятида маҳоратли бизнес субъектларининг салмоғини ошириш ҳисобига тадбиркорликни ривожлантиришни 2022-2026 йилларга мўлжалланган инерцион ва оптимистик прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

“қаттиқ”, “юмшоқ” ва “рақамли” тадбиркорлик кўникмаларини тадқиқ этиш орқали уларни тавсифлайдиган асосий ва қуйи мезонлари асосланган;

инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўладиган КБХТ субъектларининг сифат аниқловчиси сифатидаги “бизнес экселенс” (тадбиркорлик маҳорати) атамасининг мазмун-моҳияти ёритилган;

тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик қобилиятининг реал эришилган ривожланганлик даражаси мультипликаторини ҳисоблаш формуласи тавсия этилган;

тадбиркорлик қобилиятини “муҳим маҳорат индикаторлари” (KPI) воситасида баҳолаш механизмининг амалда жорий этиш тартиби асосланган;

КБХТ субъектларининг “тадбиркорлик маҳорати”ни ошириш ҳисобига тадбиркорликнинг ривожланишини 2026 йилгача прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Давлат статистика қўмитаси, Бухоро вилояти статистика бошқармаси, “Савдо-саноат” палатаси Бухоро вилоят бошқармасининг расмий маълумотларидан ҳамда махсус сўровнома асосида ўтказилган сўроқ ва эксперт баҳолаш натижаларидан олинганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери Миллий офиси томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти КБХТ субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини KPI усулида баҳолаш ва тадбиркорлик маҳоратини ошириш тўғрисидаги назарий билимлар доирасини кенгайтиради. Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва услубий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида 2022-2026 йилларда КБХТ субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш ва маҳоратли бизнес субъектларининг салмоғини ошириш ҳисобига тадбиркорликни жадал ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада КБХТ ривожлантириш бўйича дастурий ҳужжатларни, тармоқни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, ҳудудлардаги КБХТ субъектлари фаолиятини сифат жиҳатидан юксалтиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, бизнес соҳаси йўналишидаги олий таълим муассасаларида бизнесни баҳолаш бўйича

кадрларни тайёрлашда ҳамда “Бизнесни баҳолаш” ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари” фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда ва уларнинг ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш мақсадида тадбиркор шахснинг сифат хусусиятларига кўра “уч даражали - қаттиқ (hard skills); юмшоқ (soft skills) ва рақамли (digital skills) тадбиркорлик кўникмалари” таснифи Бухоро вилояти хокимининг 2021 йил 23 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 198-2-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери Миллий офисининг 2022 йил 16 августдаги 02-02/268-сон маълумотномаси). Мазкур тасниф бўйича ажратилган инновацион мезонларини амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини реал эришилган даражасини КРІ тизимида баҳолаш ва уни оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконияти яратилган;

инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизми “тадбиркорлик маҳорати” (business excellence, BEM) сифат аниқловчиси ва “муҳим маҳорат индикаторлари” (КРІ) миқдорий мультипликаторини киритиш орқали такомиллаштириш таклифи Бухоро вилояти хокимининг 2021 йил 23 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 198-2-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери Миллий офисининг 2022 йил 16 августдаги 02-02/268-сон маълумотномаси). Ушбу илмий-инновацион таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини сифат жиҳатидан КРІ воситасида баҳолаш ва илғор хориж тажрибага асосланган “сифат менежментининг бизнес экселенс” (тадбиркорлик маҳорати) инновацион ёндашувини қўллаш эвазига тадбиркорликни юксалтириш имконияти яратилган;

тадбиркорлик қобилиятини реал эришилган ривожланганлигини баҳолашга ёндашувни оралиқ мультипликаторини (0,0-0,50) паст даражага эга “маҳоратсиз тадбиркор”, (0,51-0,79) ўрта даражага эга “салоҳиятли тадбиркор”, (0,80-1,0) юқори даражага эга “маҳоратли тадбиркор” тоифалар бўйича табақалаштириш орқали баҳолаш механизми таклифи Бухоро вилояти хокимининг 2021 йил 23 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 198-2-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги

Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери Миллий офисининг 2022 йил 16 августдаги 02-02/268-сон маълумотномаси). Натижада тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг ушбу инновацион механизмини амалиётга жорий этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тадбиркорлик қобилиятини реал ривожланганлик даражасининг мультипликаторини ҳисоблаш ва тадбиркор шахснинг сифат мақомини аниқлаш ҳамда ушбу мультипликаторнинг коэффиценти юзасидан бизнес субъектларининг тадбиркорлик маҳоратини ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тузиш имконини берган;

Бухоро вилоятида маҳоратли бизнес субъектларининг салмоғини ошириш ҳисобига ишлаб чиқилган тадбиркорликни ривожлантиришни 2022-2026 йилларга мўлжалланган инерцион ва оптимистик прогноз параметрлари Бухоро вилояти ҳокимининг 2021 йил 23 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 198-2-0-Q/21 сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери Миллий офисининг 2022 йил 16 августдаги 02-02/268-сон маълумотномаси). Натижада, инерцион прогнозга мувофиқ 2021 йилда Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган 22850 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2026 йилда 39700 тага етиб, истиқболли даврда 73,7 фоизга оширилиши ва оптимистик прогноз бўйича, уларнинг сони 2026 йилда 47640 тага етиб бориб, 2 мартадан кўпроқ ортиш мумкинлиги аниқланган. Мазкур прогноз параметрлари ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик истиқболдаги режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизмини тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда тадбиркорликнинг сифат ўлчови сифатидаги “тадбиркорлик қобилияти”нинг тушунчаси ва шаклланиш босқичлари, инсон тадбиркорлик қобилиятини намоён бўлишнинг анъанавий ва замонавий шакллари ҳамда тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш мақсадида унинг сифат хусусиятларининг таснифи ёритилган.

Диссертацияда “тадбиркорлик қобилияти” атамасига “капитал”нинг ривожланиши ва “бизнес”нинг вужудга келиши ўртасидаги узвий боғлиқликни генетик ёндашувда тадқиқ қилиш эвазига уни тадбиркорликнинг сифат ўлчови сифатида кўриб чиқиб, унга “инсоннинг ўз ташаббуси билан иқтисодий ресурсларни бир-бирига маҳорат билан бириктира олиш, янги ишни бошлаб самарали давом эттириш, оқилона таваккал қила билиш, бизнесни бозор усулида юритиш, маркетинг ва менежмент кўникмаларининг йиғиндиси”, тарзида таъриф берилди.

“Тадбиркорлик қобилияти” (ТҚ) иқтисодий атама сифатида бизнесни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида босқичма-босқич шаклланиш хусусиятига эга эканлигини аниқлаб, унинг микроиқтисодиёт сатҳида шаклланишининг бешта босқичлари асослаб берилди (1-расм).



**1-расм. Тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш босқичлари<sup>7</sup>**

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим шарт-шароитларидан бири ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатидаги тадбиркорлик қобилиятини бизнес амалиётида намоён этиб, унумли ишлата олишдан иборат. Илмий адабиётларда тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлишига “якка тартибдаги тадбиркор”, “кичик тадбиркор”, “менежер”, “оилавий тадбиркор” каби

<sup>7</sup> Манба: Илмий-тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

анъанавий шаклларига етарлича изоҳлар берилган. Лекин, ушбуқобилият намоён бўлишининг инновацион ва замонавий шаклларига хос жиҳатлар иқтисодчи олимлари томонидан махсус ўрганилмаган. Шу сабабли, диссертация доирасида “ўзини ўзи банд қилган шахслар”, “ички тадбиркор”, “инновацион тадбиркор”, “инвестор”, “бизнес-консультант” каби тадбиркорлик қобилиятини намоён этувчи замонавий шаклларнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил кўриб чиқилди.

Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишнинг Янги Ўзбекистонга хос инновацион шаклини маҳалла даражасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган “маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси” институти ташкил этади. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 9 мингдан зиёд ҳоким ёрдамчилари ўз фаолиятларини олиб бормоқдаки, бунда “Ҳоким ёрдамчиси” амалиёти маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг турли шакллардаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун етарли имкониятларни яратиб бериш эвазига ишсиз ва кам таъминланган одамларнинг меҳнат лаёқати ва тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Зеро, тадбиркорлик қобилиятининг мавжудлиги ва сифат даражаси тадбиркорнинг бир қатор шахсий фазилатлари, касбий кўникмалари ва тадбиркорлик маҳоратига боғлиқ бўлади. Шунинг учун диссертациянинг мазкур бобида тадбиркорлик қобилияти сифат хусусиятларининг таснифи бўйича мавжуд турли ёндашувларни кўриб чиқиб, муаллифлик ёндашуви илмий жиҳатдан асосланган (1-жадвал).

Тадбиркорлик фазилатларини таснифлашнинг илғор хорижий ва миллий тажрибалари асосида биз тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш мақсадини кўзлаб, тадбиркор шахснинг сифат хусусиятларидан келиб чиқадиган “*Уч даражали - қаттиқ (hard skills); юмшоқ (soft skills) ва рақамли (digital skills) тадбиркорлик кўникмалари*” таснифини таклиф этганмиз. Тадбиркорлик соҳасида муваффақиятга эришиш учун тадбиркор шахс қаттиқ, юмшоқ ва рақамли кўникмаларини уйғунликда намоён этиши мақсадга мувофиқ. Бунда, *қаттиқ кўникмалар (hard skills)* - профессионал малакага бевосита боғлиқ бўлган ва ўқиш, тренинг, семинар натижасига орттирадиган техник кўникмалар. *Юмшоқ кўникмалар (soft skills)* - шахсий, шахслараро ёки мослашувчан кўникмалар. Гарвард ва Стенфорд каби олимларнинг фикрича, касбий муваффақиятнинг 75-85 фоизи юмшоқ ва фақат 15-25 фоизи қаттиқ кўникмаларга боғлиқ<sup>8</sup>. *Рақамли кўникмалар (Digital skills)* - бу ахборот-коммуникацион технологиялари (АКТ) соҳасидаги турли муаммоларни ҳал қилиш қобилиятидир<sup>9</sup>.

---

<sup>8</sup>Эдуард Галажинский .Чему не учат в университетах. <https://www.vedomosti.ru/> (15.03.2022).


<sup>9</sup>Иванова О. А. Digital skills: оценка и прогноз спроса отраслей промышленности// Развитие территорий. 2019. №2 (16). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/digital-skills-otsenka-i-prognoz-sprosa-otrasley-promyshlennosti> (дата обращения: 28.07.2022).

**Тадбиркорлик қобилияти сифат хусусиятларининг таснифи бўйича  
турли ёндашувлари<sup>10</sup>**

Тасниф муаллифлари	Таснифлаш белгилари	Сифат хусусиятлари
Питер Друкер, Макьярелло Дж. Менеджмент. Перевод с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2010. С.:165. (АҚШ).	Бизнесга мижоз яратиш бўйича	Маркетинг кўникмалари
		Менежерлик фазилатлари
		Инновацион фаоллиги
Hall, V. P. (1994). <i>Values Shift: A Guide to Personal &amp; Organizational Transformation</i> . California: Twin Lights Publishing. 288 p. (АҚШ).	Тадбиркорлик кўникмаларни аниқлашнинг Халл-Тонна (Hall-Tonna) модели	Инструментал қобилиятлар
		Шахслараро кўникмалар
		Тасаввур қилиш кўникмалар
		Тизимли кўникмалар
Фотекова Т. А., Митрухина С. В., Власова Е. Н. и др. Исследование профессиональных склонностей к предпринимательской деятельности у молодежи Республики Хакасия. Журнал Психология. Серия: Познание №11 ноябрь 2020 г. 107-113 с. (Россия Федерацияси).	Тадбиркорликнинг психологик хусусиятларини тавсифловчи фазилатлари	Асаб тизими ва тафаккурнинг хусусиятларини тавсифловчи фазилатлар
		Мотивацион хусусиятларини тавсифловчи фазилатлар
		Лидерлик феномени
Basigalupo, M., Kampylis, P., Punie, Y., Van den Brande, G. (2016). <i>EntreComp: The Entrepreneurship Competence Framework</i> . Luxembourg: Publication Office of the European Union; EUR 27939 EN; 39 p (Люксембург).	Тадбиркорлик компетентлиги	Ғоялар ва имкониятлар
		Ресурслар
		Ҳаракатлар
Муродова Н.Қ. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш йўналишлари. Монография. -Т.: ФАН, 2008. (Ўзбекистон).	Тадбиркорлик фаоллигини тавсифловчи фазилатлари	Иқтисодий салоҳият
		Бозор фаоллиги
		Молиявий барқарорлик
		Рақобатбардошлик
		Ижтимоий фаоллик
Навруз-Зода Б.Н. Камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий йўли. “Iqtisodiyot va turizm” xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali. 2021, 1-сон. Б:24. (Ўзбекистон).	Инсон моноиқтисодий қобилиятларини тавсифловчи фазилатлари	Ташаббускорлик
		Менежерлик
		Новаторчилик
		Таваккалчилик
		Бозоршунослик
Диссертант тавсияси	Уч даражали тадбиркорлик кўникмалари	Тадбиркорликнинг “қаттиқ” кўникмалари
		Тадбиркорликнинг “юмшоқ” кўникмалари
		Тадбиркорликнинг “рақамли” кўникмалари

Ушбу тасниф белгиларидан тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш жараёнида фойдаланиш учун ҳар бирини тавсифлайдиган жиҳатлар аниқланиб, тадбиркор инсонга хос қаттиқ, юмшоқ ва рақамли кўнималарнинг ўлчов мезонлари тавсия этилган (2-расм).

<sup>10</sup> Манба: Илмий-тадқиқот натижаларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



**2-расм. Қаттиқ, юмшоқ ва рақамли тадбиркорлик кўникмаларининг ўлчов мезонлари<sup>11</sup>**


2-расмдан кўринадики, одамларнинг тадбиркорликка лаёқатлилиқ даражасини тавсифлайдиган қаттиқ, юмшоқ ва рақамли тадбиркорлик кўникмалари ўзига хос ўлчов мезонларига эга бўлиб, бизнес субъектларининг тадбиркорлик қобилиятининг ривожланганлик даражаси айнан ушбу асосий ва қўйи мезонлари негизда баҳоланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизмини тадқиқ этишнинг услубий асослари**” деб номланиб, ушбу бобда тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг услубий ёндашувлари, тадбиркорлик қобилиятини баҳолашни “бизнес экселенс” механизми методологик асослари, тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг “бизнес маҳорат” модели тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашда асосий қийинчилик, унинг сифат ўлчовлари илмий нуқтаи назардан етарли даражада аниқ ва амалий жиҳатдан мақбул услубларнинг мавжуд бўлмаслигида. Демак, шу ўринда асосий муаммо тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг методологиясини ишлаб чиқиш бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг методологиясини ишлаб чиқиш мақсадида иқтисодчи олимларнинг тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бешта қуйидаги бешта ёндашуви ўрганилди ва уларнинг ҳар бирига хос афзал томонлари ва камчиликлари аниқланди: 1.Тадбиркорлик қобилиятини ўз-ўзини баҳолаш ёндашуви; 2.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашда “Тадбиркорлик қобилиятлари индекси” ёндашуви; 3.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг Global Entrepreneurship Monitor (GEM) ёндашуви; 4.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг «иктисодий нафлилик» ёндашуви;

<sup>11</sup> Манба: Илмий-тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

5. Муаммоли вазиятларни кейс шаклида ечишга асосланган баҳолаш ёндашуви. Мазкур ёндашувларнинг қиёсий таҳлили кўрсатдики, уларда шахснинг тадбиркорлик моҳирлиги тўлиқ инобатга олинмайди ва тадбиркорлик фаолиятининг сифат босқичлари (назорат, таъминот, TQM) ва жараёни (фаолиятга, жараёнга, тизимга йўналтирилганлиги)ни баҳолаш имконини бермайди.



### 3-расм. “Бизнес экселенс” тушунчасининг хусусиятли таснифи<sup>12</sup>


Ривожланган мамлакатларда КБХТ субъектларини сифат жиҳатидан юксалтириш “сифат менежментининг бизнес экселенс” концепциясига асосланганлиги диссертацион тадқиқотлар натижасида аниқланган. “Бизнес экселенс” атамасининг таърифи бўйича олимлар ўртасидаги турли фикр-мулоҳазаларнинг қиёсий таҳлили асосида ушбу инглизча - “business excellence” атамаси ўзбек тилида “бизнес маҳорати” маъносини англатади, деган хулосага келинди. Фикримизча, “бизнес маҳорати” тадбиркор томонидан бизнес фаолиятининг моҳирлик билан ташкил этилишига имкон берадиган қаттиқ, юмшоқ ва рақамли тадбиркорлик кўникмалари мажмуи, сифатида тушунилади.

Тадқиқот жараёнида “Бизнес экселенс” тушунчасининг мазмун моҳиятига кўра, унинг икки томонлама хусусияти мавжудлиги кузатилди ва шу асосда тегишли илмий хулосалар асосланди (3-расм).

“Тадбиркорлик қобилияти” атамасига бизнес субъектларининг сифат аниқловчиси нуқтаи назаридан қараш, бизга бизнесни баҳолашнинг янгича: “Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес маҳорати” (қисқартирилган - ТҚББМ) деб номланиб, муаллифлик моделини тузиш саъй-ҳаракатлари қилинди (4-расм).

<sup>12</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.





**4-расм. Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес маҳорати (ТҚББМ) модели<sup>13</sup>**

4-расмдан кўриниб турибдики, тавсия этилаётган “Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес маҳорати” модели хориж амалиётида фойдаланилиб келаётган “EFQM Business Excellence” моделида назарда тутилган тўққизта йирик ва кўп кичик мезонли иқтисодий модел шаклига эга бўлиб, унинг ички тузилишида асл моделидан фарқли равишда “Лидерлик”, “Ходимлар”, “Сиёсат ва стратегия”, “Ресурслар ва ҳамкорлик”, “Жараёнлар”, “Ходимлар қониқиши”, “Мижозлар қониқиши” ва “Жамият учун натижалар”, “Асосий натижалар” каби асосий мезонларининг ўрнига янги - “Инсон тадбиркорлик қобилияти”, “Қаттиқ, юмшоқ ва рақамли тадбиркорлик кўникмалари”, “Тадбиркорлик қобилиятини инсон капиталига айланиш жараёни”, “Индивидуал инсон капитали”, “Иқтисодий комил инсон”, “Маҳоратли тадбиркор инсон”, “Тадбиркорлик маҳоратини ошириш” каби мезонларини киритиб, моделни КБХТ субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини баҳолашга мослаштирилди.

30 йилдан бери бизнес дунёсида тадбиркорлик фаолияти сифатида ўз-ўзини баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида муваффақият билан ишлатилаётган “EFQM Business Excellence” модели мезонларига уйғунлаштирилган ва тадбиркорлик қобилиятини баҳолашга мослаштирилган унинг янгича қиёфасидаги - ТҚББМ модели Янги Ўзбекистонда КБХТ субъектларининг фаолият сифатини баҳолаш учун қулай имконият ва самарали механизм ҳисобланади.

<sup>13</sup> Манба: “EFQM Business Excellence” моделини тадбиркорлик қобилиятини баҳолашга мослаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “**Бухоро вилояти бизнес субъектлари фаолиятида “тадбиркорлик маҳорати”ни баҳолаш механизмини жорий этиш**” деб номланиб, мазкур бобда бизнес субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш методологияси, муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) воситасида баҳолаш механизми, “Бухоро вилоятида бизнес субъектларининг “тадбиркорлик маҳорати”ни ошириш ҳисобида тадбиркорликни ривожлантиришни 2022-2026 йилларда прогноз параметрлари тадқиқ этилган.

Диссертацияда бизнес субъектлари тадбиркорлик қобилиятининг реал ривожланганлик даражасини баҳолаш мақсадида “*Тадбиркорлик қобилияти ривожланганлик даражаси мультипликатори*” ҳисоб-китобини қуйидаги бешта босқичда амалга ошириш тавсия этилади:

1.Тадбиркорлик қобилияти ривожланганлик даражасининг эталон аниқловчиси (детерминанти)ни шакллантириш.

2.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ни ишлаб чиқиш.

3.Тадбиркорлик қобилиятини аниқлаш учун муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) нинг сифат ҳолатини баҳолаш шкаласини белгилаш.

4.Қиёслаш усулида тадбиркорлик қобилиятини реал ривожланганлик даражасининг мультипликаторини баҳолаш ва тадбиркорнинг сифат мақомини танлаш.

5.Диагностик баҳолаш натижасида тадбиркорлик маҳоратини узлуксиз ошириш тўғрисида эксперт тавсияларини бериш.

Тадбиркорлик қобилиятини ривожланганлик даражасининг эталон аниқловчиси сифатида “тадбиркорлик маҳорати”ни тавсия этиб, уни тавсифловчи ўн битта қуйи мезонлари ишлаб чиқилди. Бу мезонлар 2-жадвалнинг 1-устунида жойлаштирган.

Бизнес субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ни ишлаб чиқиш алгоритми қуйидаги жараёнлардан иборатлиги асосланди:

1.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг қаттиқ, юмшоқ ва рақамли кўникмаларидан иборат бўлган *асосий мезонларини* KPI тизимида “Н”, “S”, “D” *лотин ҳарфлари* орқали киритиш:  $KPI(H)$  - Қаттиқ тадбиркорлик кўникмаларининг асосий мезони;  $KPI(S)$  - Юмшоқ тадбиркорлик кўникмаларининг асосий мезони;  $KPI(D)$  - Рақамли тадбиркорлик кўникмаларига хос асосий мезон.

2.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг асосий мезонларини тавсифловчи *қуйи мезонларини* KPI тизимида *сонлар* орқали ифодалаш:

$KPI(H)$  - Қаттиқ асосий кўникмаларини 1-5 сонлар билан ифодалаш:  $KPI(H1)$ . Маркетинг маҳорати;  $KPI(H2)$ . Менежерлик санъати;  $KPI(H3)$ . Новаторлик кўникмалари;  $KPI(H4)$ . Таваккал қилиш қобилияти;  $KPI(H5)$ . Иқтисодий саводхонлиги.

$KPI(S)$  – Юмшоқ асосий кўникмаларини 1-3 сонлар билан ифодалаш:  $KPI(S1)$ . Шахсий фазилатлар;  $KPI(S2)$ . Шахслараро кўникмалар;  $KPI(S3)$ . Лидерлик сифатлари.

Тадбиркорлик қобилиятини КРІ тизими бўйича баҳолаш жараёни<sup>14</sup>

Баҳолашнинг асосий ва қуйи мезонлари	Тадбиркорлик маҳоратнинг муҳим индикаторлари (КРІ)	Қўйилган балл
1	2	3
<b>Н (Hard entrepreneur skills) – Қаттиқ тадбиркорлик кўникмалари</b>		
Н1. Маркетинг маҳорати	КРІ (Н1.1).Бозор, харидор ва товарни ўргана олиш.	
	КРІ (Н1.2).Мижозларга эътибор қаратиш ва харидорларни мақсадли гуруҳларга бўлиш (сегментлаш) ва товарни ўринлаштириш қобилияти.	
	КРІ (Н1.3).Сотишни кўпайтириш усуллари билиш.	
	КРІ(Н1.4).Реклама тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ва корхона брендини ривожлантириш.	
	КРІ (Н1.5). Рақибларни баҳолаш усулларига эга бўлиш ва нарх стратегияларини танлай билиш.	
Н2. Менежерлик санъати	КРІ (Н2.1). Ташкилотчилик қобилияти	
	КРІ (Н2.2).Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш қобилияти.	
	КРІ (Н2.3).Муваффақиятга эришишни мотивациялаштира билиш.	
	КРІ (Н2.4). Режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.	
	КРІ (Н2.5).Хўжалик юретишнинг самарали усуллари билиш.	
Н3. Новаторлик кўникмалари	КРІ (Н3.1).Янгиликка интилувчанлик.	
	КРІ(Н3.2).Янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқиш қобилиятига эгаллик.	
	КРІ (Н3.3).Китоб ўқиш, савол бериш, кузатиб юриш ва илмий тажрибалар ўтказиб туришга мойиллиги.	
	КРІ (Н3.4). Ижодий фикрлаш қобилияти ва инновацион бизнес-ғояларни қидириб топиб, амалда қўллаш.	
Н4. Таваккал қилиш қобилияти	КРІ(Н4.1).Мўътадил таваккалчилик шароитида самарали ишлай олиш.	
	КРІ (Н4.2). Бизнес таваккалларни камайтириш ва суғурта қилиш.	
Н5. Иқтисодий саводхонлиги	КРІ (Н5.1).Бизнесга инвестицияларни жалб қилиш.	
	КРІ (Н5.2). Молиявий ва солиқ саводхонлиги.	
	КРІ(Н5.3).Меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.	
	КРІ(Н5.4).Харажатларни пасайтириш ва фойда олишни таъминлаш.	
<i>“Н” асосий мезон бўйича баллар йиғиндис (0-40 балл ҳисобида):</i>		
<b>С (Soft entrepreneur skills) - Юмшоқ тадбиркорлик кўникмалари</b>		
S1. Шахсий фазилатлар	КРІ(S1.1).Ташаббускорлик ва мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти.	
	КРІ(S1.2).Аналитик фикрлаш ва онгининг мослашувчанлиги.	
	КРІ (S1.3). Ўзига ишонч ва ўз ишига садоқатлик.	
	КРІ (S1.4). Муваффақиятга интилиш ва қатъиятчилик.	
	КРІ (S1.5). Меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик.	
S2. Шахслараро кўникмалар	КРІ (S2.1). Ишбилармонлик мактубларини ёза билиш.	
	КРІ (S2.2).Одамларни тушуниш ва уларни ишонтириш қобилияти.	
	КРІ (S2.3).Музокаралар олиб боришга мойиллик.	
	КРІ(S2.4).Имкониятларни кўра билиш ва ундан фойдаланиш.	
	КРІ (S2.5). Вақтдан унумли фойдалана олиш.	

<sup>14</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

S3. Лидерлик сифатлари	KPI(S3.1).Тезкорлик билан ва самарали қарор қабул қилиш қобилияти.	
	KPI (S3.2). Самарали мулоқот қилиш қобилияти.	
	KPI (S3.3). Алоқаларни ўрнатиш қобилияти.	
	KPI(S3.4).Бозорлар ҳолати ҳақида қимматли маълумотларни топиш кўникмаси.	
	KPI(S3.5).Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун истиқболли имкониятларни топиш қобилияти.	
<i>“S” асосий мезон бўйича баллар йиғиндиси (0-30 балл ҳисобида):</i>		
<b>D (Digital entrepreneur skills) - Рақамли тадбиркорлик кўникмалари</b>		
D1. Рақамли маркетинг маҳорати	KPI (D1.1). Онлай-тижорат билан шуғуллана олиш.	
	KPI (D1.2). Мижозларни жалб қилишда ижтимоий тармоқлардан фойдалана билиш.	
	KPI (D1.3).Интернет орқали реклама қилиш кўникмалари.	
	KPI (D1.4). Қидирув тизимларда маркетинг кўникмалари.	
D2. Рақамли тадбиркорлик кўникмалари	KPI (D2.1). Рақамли коммуникация воситалари (электрон почта, ижтимоий тармоқлар, ўз веб-сайт) орқали рақамли мулоқот қилиш кўникмалари.	
	KPI (D2.2). Рақамли лойиҳа ва маҳсулотларни бошқариш.	
	KPI (D2.3). Блокчейн технологиясидан фойдалана олиш.	
	KPI (D2.4). Дастурлаш ва веб-иловаларни ишлаб чиқиш (Networking).	
	KPI (D2.5). Рақамли дизайн ва маълумотларни визуализациялаш.	
D3. Рақамли технология- лардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш кўникмалари	KPI (D3.1). Мессенжер (Интернет тармоғи орқали хабарларни зудлик билан айирбошлаш дастур) ларни ишлата билиш.	
	KPI (D3.2). “Таск-трекерлар” (вазифаларни осонроқ, тезроқ ва самаралироқ белгилаш ва бажаришда ёрдам берадиган лойиҳа ишларини автоматизациялаш воситаси) дан фойдалана билиш.	
	KPI (D3.3). Excel дастурида ишлай олиш ва PowerPoint тақдироти тайёрлаш кўникмаси.	
	KPI (D3.4). Business Intelligence (BI)-воситаларини қўллаш олиш.	
	KPI (D3.5). Киберхавфсизлик асосларини билиш.	
	KPI (D3.6). Катта маълумотлар (Big data) дан тадбиркорлик мақсадида фойдалана олиш.	
<i>“D” асосий мезон бўйича баллар йиғиндиси (0-30 балл ҳисобида):</i>		
<b><i>“Н”, “S” ва “D” асосий ўлчов мезонлари бўйича тадбиркорлик субъектларининг йиғилган жами баллари (0-100 балл ҳисобида):</i></b>		

KPI(D) - Рақамли асосий кўникмаларини ҳам 1-3 сонлар билан ифодалаш: KPI(D1). Рақамли маркетинг маҳорати; KPI(D2). Рақамли тадбиркорлик кўникмалари; KPI(D3). Рақамли технологиялардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш кўникмалари.

3.Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг асосий ва қуйи мезонларини тавсифловчи “муҳим маҳорат индикаторлари” (KPI) ни ишлаб чиқиш ва уларни асосий ва қуйи мезонларига тааллуқлилигини ҳам ҳарф, ҳам сонлар билан ифодалаш (2-жадвал).

Тадбиркорлик қобилиятини аниқлашнинг муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) нинг сифат ҳолати бешта турли: энг ёмон ҳолат - 0 балл; бир оз мавжуд - 0,5 балл; ўрта ҳолат мавжуд - 1 балл; бироз яхши ҳолат - 1,5 балл; энг яхши ҳолат- 2 балл билан баҳолаш шкаласи тавсия этилади. Баҳолаш жараёнида KPI

нинг тегишли кўрсаткичига балл ҳисобида баҳо 2-жадвалнинг 3-устунида қўйиб борилади.

Тадбиркорлик қобилиятининг КРІ тизимида эксперт усулида тўпланган умумий баллари эталон баҳоси билан қиёслаш эвазига тадбиркорлик қобилиятини реал ривожланганлик даражасининг мультипликатори қуйидаги формула билан ҳисоблаш тавсия этилади:

$$R_{tq} = \frac{KPI(H) + KPI(S) + KPI(D)}{Etq}, \quad (1)$$

Бу ерда: **R<sub>tq</sub>** – тадбиркорлик қобилиятининг реал ривожланганлик даражаси мультипликатори (коэффициент сифатида 0,0 дан 1,0 оралиқида ўлчанади); **KPI(H)** - қаттиқ тадбиркорлик кўникмаларининг қуйи мезонларини тавсифлайдиган муҳим маҳорат индикаторлари (20 та КРІни баҳолаш асосида максимал 40 баллга тенг ёки ундан пастроқ баллар оралиғида ифодаланади); **KPI(S)** - юмшоқ тадбиркорлик кўникмаларининг қуйи мезонларини тавсифлайдиган муҳим маҳорат индикаторлари (15 та КРІнинг баҳолаш асосида максимал 30 баллга тенг ёки ундан пастроқ баллар оралиғида ифодаланади); **KPI(D)** - рақамли кўникмаларининг қуйи мезонини тавсифлайдиган муҳим маҳорат индикаторлари (15 та КРІнинг баҳолаш асосида максимал 30 баллга тенг ёки ундан пастроқ баллар оралиғида ифодаланади); **Etq** - тадбиркорлик қобилиятини ривожланганлик даражасининг эталон индикатори (50 та КРІнинг энг яхши ҳолатини 2 балл билан, жами 100 баллга тенглаштирилган ҳолда миқдорий ифодаланади).

Тадбиркорлик қобилияти реал ривожланганлик даражаси мультипликатори коэффициенти (**R<sub>tq</sub>**) асосида бизнес субъектларига хос тадбиркорлик қобилиятининг ривожланганлик ҳолати қуйидаги учта сифат даражаси ва унга мос равишда тадбиркорнинг тегишли мақомидан бирига мос келиши танлаб олинади:

1) 0,0 дан 0,50 га қадар - паст даражадаги тадбиркорлик қобилиятига эга “*Маҳоратсиз тадбиркор*”;

2) 0,51 дан 0,79 га қадар - ўрта даражадаги тадбиркорлик қобилиятига эга “*Салоҳиятли тадбиркор*”;

